

1-26-2020

## THE CHANNEL FROM SIRDARYA TO BUKHARA: TRUTH OR FRAUD

Makhmud Zaynievich Orziev  
*senior lecturer at the department of world history, BSU*

Amonkeldi Khasanovich Akhmatov  
*teacher of the department of world history, BSU*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the [History Commons](#)

---

### Recommended Citation

Orziev, Makhmud Zaynievich and Akhmatov, Amonkeldi Khasanovich (2020) "THE CHANNEL FROM SIRDARYA TO BUKHARA: TRUTH OR FRAUD," *Scientific reports of Bukhara State University*: Vol. 3 : Iss. 1 , Article 5.

DOI: 10.52297/2181-1466/2019/3/1/5

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol3/iss1/5>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## TARIXSHUNOSLIK

УДК: 327.7:94(55):94(510)

СИРДАРЁДАН БУХОРОГА ТОМОН ҚАЗИЛГАН КАНАЛ:  
ҲАҚИҚАТМИ ЁХУД УЙДИРМАКАНАЛ ИЗ СЫРДАРЬИ В БУХАРУ: ПРАВДА ИЛИ ВЫМЫСЕЛ  
THE CHANNEL FROM SIRDARYA TO BUKHARA: TRUTH OR FRAUD**Орзиев Маҳмуд Зайниевич***БухДУ жаҳон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси***Ахматов Амонкелди Ҳасанович***БухДУ жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси***Orziev Makhmud Zaynievich***senior lecturer at the department of world history, BSU***Akhmatov Amonkeldi Khasanovich***teacher of the department of world history, BSU*

**Таянч сўзлар:** канал, қум босиши, сув тақсимоти, ихота, ҳашар, “Бухоро ариғи”, “Темур ариқ”, ерларни суғориш, ўзан, қуриган ўзан, ирмоқ, сув чиқариш, чўл-дашт, обикор, ерларни ўзлаштириш.

**Ключевые слова:** канал, песчаные наносы, распределение воды, постижение, совместный труд, «Бухарский арык», «арык Темура», орошение земель, цветение, осушение, водоотвод, опустынивание, уничтожение, освоение земель.

**Key words:** channel, sand, water distribution, hashar, “Bukhara irrigation channel”, Temur river, rivers, stream, desert, water supply, land acquisition.

*Ушбу мақолада “Туркистон тўплами” ва Сирдарёдан Бухорога оқиб ўтадиган ва воҳанинг шимоли-ғарбий минтақасини сув билан таъминлайдиган канал ҳақидаги тарихий адабиётлар кўриб чиқилган.*

*Умид қиламизки, келгусида археологларимиз Сирдарё ва унинг ирмоқлари, каналлар, уларнинг йўналиши, сув қуввати, сув истеъмоли, суғориладиган экинлар ҳажми билан боғлиқ муаммоларни очиб беришади.*

*В статье рассматривается «Туркестанский сборник» и историческая литература о канале, протекающем из Сырдарьи в Бухару и снабжающем водой северо-западный район оазиса.*

*Надеемся, что в будущем наши археологи раскроют проблемы, связанные с Сырдарьей и ее притоками, каналами, их направлением, водоемкостью, водопотреблением, объемом орошаемых культур.*

*This article considers the “Turkistan Collection” and the historical literature about the channel that flows from Syrdarya to Bukhara and supplies the north-western region of the oasis with water.*

*We hope that in the future our archeologists will reveal the problems related to the Syrdarya and its tributaries, canals, their direction, water capacity, water consumption, the volume of irrigated crops.*

**Кириш.** Бухоро воҳаси аҳолиси қадимдан ўзининг омилкор деҳқонлари ва миришкор боғбонлари билан машҳурдир. Бухоро воҳасининг обод деҳқончилик манзилгоҳлари хусусида ўрта аср манбаларида, сайёҳлар (Ибн Ҳавқал, Ибн Батута, Ибн Фадлан ва бошқ.) хотираларида кўплаб маълумотларни учратиш мумкин. Аммо сўнгги ўрта асрларда ўзаро урушларнинг авж олиши, хусусан, Туркистон ўлкасини Россия империяси истило қилиш жараёнлари ва мустамлака даврида Бухоро воҳасининг иқтисодий асосларидан бири бўлган деҳқончилик хўжалиги таназзулга юз тутди бошлайди. Россия империяси ҳуқумронлиги даврида тўпланган “Туркистон тўплами” (“Туркестанский сборник”) манбасидаги хабар ва мақолаларда; Бухоро воҳасининг чўллашиш жараёнлари ва обод деҳқончилик манзилларининг қум остига қолиб кетишининг асосий сабаблари сифатида воҳанинг асосий сув манбаи бўлмиш Зарафшон дарёсининг юқори оқимидаги ерларни

## TARIXSHUNOSLIK

кўплаб ўзлаштирилиши натижасида дарёнинг қуйи қисмларида сув танқислигининг тез-тез такрорланиб туриши, Россия империяси билан Бухоро амирлиги ўртасидаги шартномага кўра, дарё сувининг учдан бир қисми Бухорога берилиши шартларининг тўла бажарилмаслиги кабиларни келтириб ўтилганлигини кўришимиз мумкин.

Россия империясига қарамлик ҳолатида Бухоро воҳасида сув танқислигининг кучайиб бориши ва аҳоли қум босиши натижасида ўз ерларидан ажралиб қола бошлайди. Сувга бўлган эҳтиёж кўплаб бухороликларни ўзлари туғилиб ўсган ерини ташлаб кетишга сабаб бўлган. Масалан, “Туркистон тўплами” материалларида келтирилган мақолаларнинг бирида, 1870 йилда Ромитан (Сомжан) тумани аҳолиси 16 минг оила ўз ерларини ташлаб Хива хонлигига қараб йўл олади. Ушбу туман аҳолисининг Хивага кўчишида амир Музаффарнинг уларни Абдумалик катта тўранинг 1868 йилда Хивага кетиш олдидан бу туманда бир кеча тунагани, туман аҳолиси уни кўллаб-қувватлагани учун жазо сифатида уларга сув беришни камайтириш тўғрисидаги фармони ҳам муҳим таъсир қилиб, шунингсиз ҳам сувсизликдан қийналаётган аҳолини нажот излаб бошқа ҳудудларга кетиб қолишини тезлаштирган. Шунингдек, ирригация ишлари бўйича рус мутахассиси бўлган Л.Н. Соболев маълумотларига кўра, сўнгги тўрт йил (1868-1872 йй) давомида Зарафшон округига Бухородан ўз ерларини қум босиш оқибатида хонавайрон бўлган деҳқонларнинг кўчиб келиши кучайгани ва уларнинг умумий сони 60 минг кишига етгани билан боғлиқ маълумотлар Бухоро воҳасидаги деҳқончилик ишларининг нақадар аянчли эканлигини кўрсатиб беради [8, 36].

Қум кўчиш натижасида Россия империясига қарашли ва сувга бир қадар мўл ҳудудларга аҳолининг кўчиб бориши оммавий тус ола бошлаган деб хулоса қилиш мумкин. “Туркистон тўплами” маълумотларида, 1872 йилда Туркистон генерал-губернаторлигининг Самарқанд вилояти, Самарқанд ва Каттақўрғон уездларида обикор ер майдонлари 145575 десятинага тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткич 1878 йилга келиб, 191612 десятинага кенгайганлиги келтириб ўтилади. Таниқли олим, академик А.Муҳаммаджонов маълумотларда, Зарафшон дарёсининг юқори оқимида янги ерларни ўзлаштириш натижасида 1872-1883 йиллар давомида, Туркистон генерал-губернаторлигининг Самарқанд вилояти, Зарафшон округидаги экиладиган ерларнинг майдони икки баробар кенгайганлиги билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар билдирилган [5, 214]. Албатта, бундай катта ерларнинг ўзлаштирилишида биринчи навбатда Бухородаги деҳқончилик қилиш мумкин бўлган ерларни қум босиши ва аҳолининг сув ресурслари бир қадар мўлроқ ҳудудларга кўчишининг ҳам таъсири анчагина салмоқни ташкил этарди.

**Асосий қисм.** Қум босиши, Россия империяси ва Бухоро амирлиги ўртасида Зарафшон сувини нотенг тақсимлаш кейинги даврларда ҳам тўхтамаган. XX аср бошларида Бухорода илк бора чоп этилган матбуот органларида ҳам Россия империясининг Бухорога Зарафшон суви тақсимотида ўзаро келишувга риоя қилмаётганлиги мақола ва хабарларда тез-тез келтириб ўтилганлиги фикримизни асослашга хизмат қилади. Жумладан, “Бухоройи шариф” газетасининг 1912 йилда чоп этилган 88-сониди; “Россия ва Бухоро ўртасидаги сув тақсимоти масаласидаги келишувга кўра, Зарафшон дарёси сувининг учдан икки қисми Самарқанд вилоятига ва учдан бир қисми Бухоро давлатига берилиши лозим эканлиги белгилаб қўйилган бўлса-да, Россия империяси маъмурлари бу келишувга амал қилмаётганлиги, дарё сувининг 6-18% оралиғидаги миқдоринигина Бухорога бераётганлиги, бунинг оқибатида деҳқонлар айни ёз вақтида экинларни суғора олмаётгани, Бухоро давлати иқтисодиёти катта зарар кўраётганлиги [4]” - билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар келтириб ўтилади. Бу эса, Россия империяси тобора кўпроқ Бухоро амирлиги ҳудудларини сувсизликдан хароб бўлиши, обод боғ-роғларни қум остига қолиб кетишига сабаб бўлаётганлигини кўрсатади. Бухоро маҳаллий матбуотининг кўплаб мақола ва хабарлари ҳукумат эътиборини сув муаммосини ҳал қилишга қаратилган бўлиб, уларнинг бирида, Зарафшон дарёсининг суви йил сайин камайиб бораётганлиги аҳолининг сувсизликдан бошқа ерларга кўчиб бориши; “...аҳоли Қашқадарё бўйлари, Сурхон ва Вахшдаги сувли ерларга бориб ўрнашди”, – шаклида келтирилган бўлса, бу ерларда ҳам сув муаммоси мавжудлигини муаллиф ўз номини кўрсатмаган ҳолда эслатиб, “...ҳарбий муҳандис Онануф Бухоро ҳукуматидан Шерободдаги баъзи ерларга сув чиқаришга рухсат олди [1]” – дея муаммо бир қадар ечилишига

## TARIXSHUNOSLIK

умид қилади. “Турон” газетасида эса, Шерободда маҳаллий аҳоли 50 чақирим узунликдаги канални 1500 ҳашарчи ва 50 иш кунида қазилишига бағишланган йирик мақола чоп этилиб, Бухоро атрофини обод қилиш учун Амударёдан канал қазиб сув олиб келиш режаси баён қилинган. Мақола муаллифи Амударё бўйидаги Фароб станциясидан Бухорогача бўлган юз чақирим масофага чўзилиши мўлжалланган канални 3 минг ҳашарчи ва 87 иш кунида қазилш мумкинлигини келтириб, бу иш унча қийин бўлмаслигига қуйидагича изоҳ беради: “Амударё илан Бухоро орасида тоғлар йўқ...хусусан бизнинг деҳқонларимизга ҳашар бир одат ҳукминдадир. Доимо ҳашарга кетмоқ, ариқ қазимоқ илан вақт ўтказадирлар... хулоса бир ғайрат, бир ҳиммат илан муборак ватанимиз обод, маъмур бўлур. Ғайрат! Ҳиммат! Ватандош! [11]” – деган шиорлар билан мақола якунланган.

Бухоро маҳаллий матбуоти вужудга келмасидан анчагина илгарироқ ҳам илғор фикрли зиёлилар Бухоро давлати учун қум босиши, аҳолининг кўчиб кетиши мамлакат иқтисодиёти, ҳарбий қудрати учун ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши англаганлар. Бухоро деҳқонларини сув билан таъминлаш зарурати бўйича амалий ишларни бошлаш зарурлигини илк бора Бухоронинг сўнгги энциклопедист олими, давлат ва жамоат арбоби Аҳмад Дониш англаб етган. У амир Музаффархон, кейин Абдулаҳадхонга бир неча марта Амударёдан сув чиқариш зарурлиги, Зарафшон суви назорати руслар қўлига ўтганлиги, шу сабабли иқтисодий қудратни тиклаш зарурлиги таклифи билан чиқади. Аммо унинг бу таклифлари Бухоро амирлари томонидан эътиборсиз қолдирилади. Давлат арбоби сифатида Петербургда элчилик сафари чоғида Аҳмад Дониш, Туркистон генерал-губернатори Ф.Кауфманнинг ҳам Петербургда эканлигидан фойдаланиб, унга ҳам Бухоро воҳасида сув тақчиллигини олдини олиш мақсадида Амударёдан канал қазилшга ёрдам беришни илтимос қилади. Шунингдек, Кауфманнинг жавобида, Қарши ва Қорақўл оралиғидаги (айни сувга муҳтож ҳудудлар – М.О., А.А.) Бухоро амирлиги ерлари Амударёдан бир қадар баландда жойлашгани ва бу дарёдан сув чиқариш имконсиз эканлиги, Бухорони сув билан таъминлаш мақсадида Сирдарёдан Чиноз яқинидан канал қазилш ва уни Иштихон тоғлари шимоли орқали Бухоро туманларига етказиб бериш режаси борлигини билдирган [5, 259]. Ҳақиқатдан ҳам, ер геологик тарихининг галоген даври деб номланувчи хронологик чегараси бундан X-XII минг йилликни ташкил этувчи даврдаги тектоник ҳаракатлар натижасида Бухоро воҳаси Амударё қирғоқларидан 50 метр атрофида кўтарилиб қолади [6]. Туркистон генерал-губернатори Ф.Кауфман бу фикрларини ўша вақтдаги Россия империяси ирригация соҳаси ходимларининг фикр-мулоҳаза ва изланишларига таянган ҳолда билдирган деб ҳисоблашга тўла асослар мавжуд. Россия империяси ирригация соҳаси мутахассисларининг бу борадаги фикр-мулоҳазалари таҳлили эса янада қизиқарли бўлиб, уларни қуйида келтириб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз.

Россия империяси маъмурлари орасида ҳам Бухоро ва унинг чўл минтақасига туташ бўлган туманлардаги деҳқончиликка яроқли ерларни қум босиши билан боғлиқ муаммони ўрганиш ва уни имкон қадар бартараф этишга хайрихоҳ инсонлар бўлганлигини тарихий манбаларда келтирилган маълумотлар тасдиқлайди. Қум босиш сабабларидан бири сифатида, Л.Н. Соболев ўз изланишларида; Ғиждувон, Шофиркон туманлари шимолида яшовчи туркман ва қирғизлар кейинги вақтларда кўмир олиш мақсадида ушбу туманларни табиий ихота қилиб турган кўплаб саксовулзор ўрмонларни йўқ қилаётганлиги, бу эса, қум босишини тезлаштираётганлигини келтириб ўтади. Шунингдек, муаллиф ўзининг Жиззах ва Чиноз оралиғидаги чўл-дашт ерларни тадқиқ этганда, бу ердаги аҳолининг кекса авлод вакиллари бир пайтлар Сирдарёдан чиқарилган канал нафақат даштни суғургани, балки Бухоронинг шимолий туманларигача оқиб бориб, уларни ҳам Сирдарё сув билан таъминлаганлигини ҳикоя қилиб берганликларини келтириб ўтган [8, 37]. Бу Бухоро воҳаси ерларини сув билан таъминланганлиги борасидаги дастлабки маълумот бўлиб, шундан сўнг Россия империяси маъмурлари кўплаб экспедиция ва изланишларида Сирдарёдан Бухорога оқиб келувчи қадимий канал ўзинини қидириш, имкони бўлса уни ишга тушириш борасида анчагина саъй-ҳаракат қилганлари “Туркистон тўплами” материалларида ўз ифодасини топган. Сирдарёдан бошланган ва Бухоро воҳасининг бир қисмини суғоришга хизмат қилган ариқни Л.Н. Соболев маълумотларида Мирзо Улуғбек буйруғи билан қазилганлиги келтириб ўтилади. Тарихий манба ва фундаментал адабиётларда ҳам Мирзо

## TARIXSHUNOSLIK

Улуғбекнинг Бухоронинг жанубий-ғарбидаги Сомончиқ даштини обод этиш учун канал қаздирганлиги билан боғлиқ маълумотларнинг мавжудлиги ушбу масалага диққат эътиборни янада жалб қилишга ундайди.

Л.Н. Соболев олиб борган тадқиқотларда, Сирдарёдан бошланувчи ва Бухоро воҳасига қадар оқиб келувчи ариқ-каналнинг қачон қурилгани, кенлиги, чуқурлиги, сув ҳажми, ким томонидан қурилгани қанча миқдордаги ерларни суғоришга мўлжалланганлигига оид аниқ далиллар келтирилмаган. Муаллиф буни каналнинг бунёд этилиши билан боғлиқ ёзма маълумотларнинг сақланиб қолинмаганлиги билан изоҳлайди. Ўзи эса, кексалардан ёш авлодга оғзаки шаклда ўтиб келган маълумотлар асосида фикр-мулоҳазаларини баён қилганлигини яшириб ўтирмайди. Ушбу маълумотларни текшириш орқали Бухорога қадар оқиб келадиган канални бошланиш жойи ва йўналишини аниқлашга имкон қадар уриниб кўрган. Унинг фикрича, канал Сирдарёнинг ўрта оқими Хўжанд уездидаги Каста-Коза (Ариқнинг бошланиш жойи ўзанини ўз кўзи билан кўргани ва у Уринбой деб номланиши) қишлоғи ёнидан бошланиши, кичик нишаблик ҳосил қилган ҳолда жануб томон оққани, ўша вақтдаги Малик ва Мирза работ қудуқлари оралиғидаги почта йўлини кесиб ўтиб Қоратов тоғларига яқинлашиши, сўнг Нурота тоғларини сўл томонига қолдириб, уни шимолидан айланиб ўтиши ва жанубий-шарққа бурилиши, натижада Бухоро воҳасининг Вардонзе (Шофиркон) ва Қоракўлгача оқиб бориши, Вардонзедан 24 чақирим ғарброкдан оқиб ўтганлиги, бу ерда қуриб қолган ўзан ҳозирги кунда ҳам билиниб турганлиги, каналнинг вайрон қилиниш вақти ва сабаблари эса, Абдуллахон ҳукумронлиги даврида қозоқларнинг ҳужумлари оқибати деган хулосага келганлигини ўқиш мумкин [8, 37-38].

Бухоро воҳасини Сирдарё суви билан суғорилишини бир қадар жиддийроқ тадқиқ этган шахслардан бири Н.А. Иванов бўлиб, у Зарафшон воҳасини суғорилишини илмий асосларда ўрганган дастлабки инсонлардан бири бўлиб ҳисобланади. Зарафшон воҳасини суғорилишини ўрганиш вақтида Н.А. Иванов Жиззах уезди, Қизилқум тумани ва бошқа ҳудудларда ҳам ирригация тизимларини тузилиши борасида изланишлар олиб боради. Олиб борган тадқиқотлари натижасида, у Сирдарёдан қадимда қазилган канал суви орқали дашт-чўл минтақаси ва Бухоронинг ғарбий, жанубий туманлари ҳам суғорилиб, деҳқончилик қилинган деган хулосага келган [3]. Каналнинг оқиб ўтиш йўналишини Н.А. Иванов ҳам, биз юқорида келтириб ўтган Л.Н. Соболев тасвирлаб берган йўналиш билан айнан такрор бўлганлиги сабабли биз бу хусусда тўхталиб ўтишни лозим деб ҳисобламадик.

Россия маъмурлари ҳам пахта етиштиришни тараққий қилдириш ва ўлканинг деҳқончилик тармоқларини янада кўпроқ эксплуатация қилиш учун Сирдарёдан сув чиқариш имконини бир неча бор текшириб чиққанлар. Уларнинг изланишлари ўша давр матбуотида тез-тез босилиб, қизғин муҳокамаларга сабаб бўлган. Айниқса, “Голодный степ” (“дашт-чўл” ҳозирги Жиззах-Сирдарё вилоятлари ҳудуди, Мирзачўл) ҳудудларини ўзлаштириш ва агар имкони бўлса, унга туташ Бухоро ҳудудларини ҳам ўзлаштириш имкониятлари бир неча бор қайта-қайта таҳлил чиғириғидан ўтказилган. Ўтказилган изланишларнинг бирида; Бекободдан қуйироқда қадимий ариқ ўзанларининг излари ҳозирги (1870 йиллар назарда тутилмоқда) вақтда ҳам маълум эканлиги қайд этилган. Бу ариқни бекободлик кексалар “Бухоро ариғи” деб номлашлари ҳақиқатдан ҳам қадимда ариқнинг Бухорога қадар борганлигига ишора деб ҳисобланган. Яна ҳам қуйироқда ўзан излари маълум бўлган иккинчи бир канални бекободликлар “Мирза” ёки “Окуз” ариғи деб номлашлари, бу ариқ кексаларнинг сўзларига қараганда, Хивага қадар оқиб бориши, руслар эса уни адашиб Ўринбой дейишлари келтириб ўтилади. Империя маъмурлари ушбу ариқларни қазилиши ва тарихи билан қизиққанларида, кексалар ҳеч қандай ҳужжат кўрсата олмаганликлари, аммо бу хусусдаги ёзма ҳужжат, маълумотлар Тошкент шаҳрида яшовчи Ҳошимхўжа эшонда борлиги, ота-боболаридан оғзаки эшитган маълумотлар асосида эса, ариқ ҳижрий йил ҳисоби бўйича 979 йилда қурилганлиги, бундан 352 йил олдин (энди Григорян календари бўйича келтирилган. Яъни, 1873-352=1521 й- М.О., А.А.) вайрон бўлганлиги, канални қуриш ғояси соҳибқирон Амир Темурга тегишли эканлиги, у ўз ўғли Шоҳрух мирзога бу вазифани топширгани, унга кўра Шоҳрух мирзо урушлар натижасида вайрон бўлган Бимақент шаҳрини қайта тиклаши ва унга ўз номини бериши,



## TARIXSHUNOSLIK

даштга сув чиқариш учун канал қазиб ва уни Хоразмгача етказиб лозимлиги келтириб ўтилади. Шунингдек, соҳибқирон Амир Темур Хитой юришидан қайтиш чоғида канал қурилиши тугалланган бўлишини ҳам таъкидлагани, канални қуриш учун етти йил муддат сарфланганлиги билан боғлиқ ривоятларни кексаларнинг хотираларидан ёзиб олинганини кўрамиз. Шунингдек, Л.Н. Соболев маълумотларини ҳам келтириб, унинг Бухорода Вардонзе (Шофиркон) яқинидаги ушбу каналнинг қуриб қолган ўзанини 70 чақирим масофасини текширганлиги билан боғлиқ маълумотларни ҳам келтириб ўтади [2, 55].

Келтирилган маълумотлардан хулоса чиқариш мумкинки, Россия империяси маъмурлари Туркистон ўлкасининг чўл ва дашт минтақаларини суғориш ва бу ерларда пахта хомашёсини етиштириш орқали пахта хомашёсига бўлган ташқи қарамликдан қутилиш йўлида куч ва имкониятларини аямаган. 1874 йилда Қизилқум чўлини текширган Н.А. Северцов илгарилари чўлнинг катта қисми суғорилганлиги ва ҳатто, Бухоронинг Қорақўл ҳудуди Сирдарёнинг Оролга қуйилиш олдидан бўлинган шахобчаларидан бири бўлган Янги дарёдан чиқарилган канал орқали суғорилганлигини келтириб ўтади. Унинг маълумотларида бу канал Янгидарёдан сув олгач, Букан тоғларини ғарб томондан айланиб ўтиб, Қорақўлга шимолий-ғарбдан кириб келган дейди. Ҳатто, Абдуллахон даврида ҳам Бухоронинг суғориладиган 7 тумани бўлгани ҳолда, Қорақўлнинг 7,5 туманида обикор деҳқончилик қилиниши билан боғлиқ маълумотлар манбаларда келтирилганлиги сабабли, Қорақўл Янгидарёдан оқиб келувчи канал сабабли экин ерларининг Бухородан кўра каттароқ эканлигининг сабаби сифатида кўрсатиб ўтишга уринади [8, 57]. Н.А. Северцов Туркистон ўлкасини Россия империяси мустамлака даврининг дастлабки вақтида ирригация иншоотлари ва дарё, каналлар орасидаги нивелировка (нишаблик)ни ўлчаш бўйича экспедицияларда энг кўп қатнашган шахслардан бири бўлиб, унинг Янги дарё (Сирдарё дельтасидаги катта ирмоқларидан бири) ўзанини текшириш ишларидаги иштироки ва берган хулосалари янада қизиқарли. Экспедиция 1869 йилда ўтган бўлиб, Жулук мавзеидан 15 чақирим қуйида Сирдарёдан ажралган Янги дарё ўзани бу вақтда қуриб қолган эди. Шунга қарамай, Н.А. Северцов Янги дарёни Россия истилосидан бир аср олдин ҳам тўлиб тошиб оққани, ундан бош олган кўплаб ариқларнинг ўзани ҳозирда (1870 й) ҳам яхши маълум эканлигини келтириб ўтади. Унинг фикрича, қадимда Амударё ва Сирдарё оролга жуда кам миқдорда сув келтириб қуйган. Дарёларнинг сувлари суғориш ишларига сарфланган. Буни чўллардаги ариқ ва каналларнинг қуриб қолган ўзанлари ва аҳоли манзилгоҳларининг ташландиқ ҳолида кўплаб учраши ҳам исботлайди, деган хулосага келади [9, 228].

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, Бухоро воҳасининг суғорилишига хизмат қилган ва кейинчалик кўмилиб қум босиб натижасида, сиёсий жараёнларда фойдаланилмай қолган магистрал канал ва ариқларнинг энг йириклари Амир Темур ва темурийлар даврида қурилган деган хулосага келиш мумкин. Сирдарёдан оқиб келувчи каналдан ташқари маҳаллий сувлардан, Зарафшон дарёсидан чиқарилган яна бир канал бўлганки, уни ҳам Амир Темур буйруғи асосида қурилганлиги билан боғлиқ далиллар талайгина. Таниқли олим, профессор Ф.Ҳ. Қосимов изланишларида; Когондан жанубий-шарқий йўналишда чиқарилган канал халқ хотирасида Темур ариқ деб сақланиб қолинганлиги билан боғлиқ маълумотлар рус олими П.Ф. Ситняковскийнинг Рус жуғрофия жамиятига йўллаган ҳисоботлари асосида келтириб ўтади [10, 20-21].

Ситняковский Россия империяси маъмурларининг топшириғи билан Бухоро амирлиги ҳудудини тадқиқ этган олимлардан бўлиб, унинг Бухорога келишига Бухоро ва Самарқанд ўртасида сув масаласидаги жанжаллар сабаб бўлган. Бухороликлар Россия маъмурлари келишувга амал қилмаётганлиги учун генерал-губернаторлик маҳкамаси, империянинг марказий идораларига бир неча бор шикоят қилганликлари боис ўлкага бир неча бор Россия илмий жамиятлари вакиллари Бухоро воҳаси ирригацияси ва ирригацион иншоотларини ўрганиш учун келиб, сувни бухороликларнинг ўзлари “сувдан самарали фойдалана олмаётганликлари оқибатида исроф қилаётганликлари”ни кўрсатишга ҳаракат қилардилар. П.Ф. Ситняковский ҳисоботларида бу каби адолатсиз айбловлар келтирилмаган бўлиб, унинг изланишлари суғориш ишлари, тарих ва география соҳалари учун қимматли манба бўлиб қолди. 1896 йилда Зарафшон дарёсидан сув олувчи ариқ ва каналларни ўрганиб, уларнинг бир қанчасини сувсизликдан қуриб қолганлигини келтириб

## TARIXSHUNOSLIK

ўтади. Амир Темур номи билан аталувчи ариқни эса, Зарафшоннинг чап қирғоғидан сув олиши ва Янги Бухоро (Когон)ни шарқий ва жанубий қисмларидан айланиб ўтиб Мойличан қишлоғига қадар бўлган ерларни суғоргани, ўзи текшираётган вақтда бу ариқ ўзани қуриб, кум босиб қолган бўлса-да, аҳоли хотирасида “Темур ариғи” номи билан сақланиб қолинганлигига оид маълумотларни “Туркистон тўплами”нинг 118 томидаги фикр-мулоҳазалар орқали билиб олишимиз мумкин [7, 146].

**Хулоса.** Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, Бухоро воҳасида сув танқислиги XV-XVI асрлардаёқ мавжуд бўлган дейиш мумкин. Келажақда Зарафшон суви масаласида норозиликларнинг олдини олиш, Бухорони обод ва иқтисодий фаровон бўлиши мақсадида Амир Темур ва темурийлар улкан режалар тузганлар деб айта оламиз. Дарҳақиқат, бундай улкан муҳандислик лойиҳасини қудратли давлат ва тинчлик ўрнатилган мамлакат аҳлигина амалга ошира оларди. Сув ресурсларининг қисқариб бориши эса, Бухоро учун ҳалокатли оқибатларга олиб келганлигига тарихнинг ўзи гувоҳлик беради. Сирдарё ва ундан бош олган канал, ариқлар, уларнинг йўналиши, сув сифими, сув сарфи, сув билан таъминладиган экин майдонлари ҳажми билан боғлиқ муаммоларни келажақда археолог олимларимиз ўз изланиш-тадқиқотларида очиб берадилар, деган умиддамиз.

## АДАБИЁТЛАР

1. Buxoro 7-jumadul avval//Buxoroyi sharif, 26-son, 1912 yil, 10-aprel.
2. Drevnie ariki v golodnoy stepi//Turkestanskiy sbornik. T - 478. - S. 53-60.
3. **Ivanov N.A.** Drevniy arik ot Sir-Dari do Buxari//Turkestanskije vedomosti. - 1873. - №13.
4. Mahalliy xabarlar //Buxoroyi sharif, 88-son, 1912 yil, 20 iyun.
5. **Muhammadjonov R.A.** Quyi Zarafshon vohasining sug'orilish tarixi (Qadimgi davrdan XX asr boshlarigacha. - T.: Fan, 1972. - 376 b.
6. **Muhammadjonov R.A.** Qadimgi Buxoro. (Arxeologik lavhalar va tarix). - T.: Fan, 1991. - 52 b.
7. **Sitnyakovskiy N.F.** Zametki o Buxarskoy chasti dolini Zerafshana //Turkestanskiy sbornik. - T. 118. - S. 128-185.
8. **Sobolev L.N.** O postepennoy dvijenii peskov k Buxare //Turkestanskiy sbornik. - T. 83. - S. 35-38.
9. Ekspeditsii //Turkestanskiy sbornik. - T.118. - S. 221-241.
10. **Qosimov F.H.** Amir Temur va Buxoro //Buxoro tarixi masalalari. Maqolalar to'plami. - Buxoro: 1996. - B 11-33.
11. **G'iyosaliddin.** Imroni Vatan //Turon. 38-son, 1912 yil, 4 dekabr.

УДК: 726.95.94(575.146)

**БУХОРО ШАҲРИ ТАРИХИЙ ҚИЁФАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА МОЗОРЛАРНИНГ ЎРНИ**

**ВЛИЯНИЕ МЕСТ ЗАХОРОНЕНИЙ НА ФОРМИРОВАНИЕ  
ИСТОРИЧЕСКОГО ОБЛИКА БУХАРЫ**

**THE INFLUENCE OF BURIAL PLACES IN FORMATION OF  
HISTORIC SHAPE OF BUKHARA**

**Жўраева Нафиса Олимовна**

*БухДУ миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси, ўқитувчиси*

**Juraeva Nafisa Olimovna**

*lecturer, department of national ideology, fundamentals of spirituality and legal education, BSU*

**Таянч сўзлар:** муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳ, мазор, ҳисор, шаҳристон, работ, манзилгоҳ, тарихий қиёфа, топография.

**Ключевые слова:** святые места, место поклонения, кладбище, хисар, шаҳристан, дворец, адрес, историческая одежда, топография.

**Key words:** holy places, pilgrimage, cemetery, hisar, residence, shahristan, fortress, historic shape, topography.

*Мақолада Бухоро шаҳри шаклланишида мазорларнинг ўрни асослаб берилган. Дастлабки мазорларнинг пайдо бўлиш тарихи, топографияси, уларнинг шаҳар*